

А.Б. Хайитов, и.ф.н., доц. ТДИУ

## АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

*В данной статье освещены социально-экономическое значение повышения занятости населения и снижения безработицы, показаны приоритетные направления преодоления безработицы на основе конкретных фактов и практических примеров.*

*This article highlights the socio-economic importance of increasing employment and reducing unemployment, shows the priorities of overcoming unemployment on the basis of the specific facts and practical examples.*

**Калитли сўзлар:** бандлик, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишчи кучи таклифи, ишчи кучига бўлган талаб, ишсизлик даражаси, ишсизлик.

2014 йил январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида **“ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”** [1] - деб, таъкидлаган.

Дарҳақиқат, иш билан бандлик – муҳим макроиқтисодий категория ҳисобланиб, жамият ҳолатининг ижтимоий ва иқтисодий индикаторларини ўзида жамлайди. Бундан келиб чиқиб, умуммиллий миқёсда бандлик, таълим олиш, ҳарбий хизмат, уй хўжалигини юритиш, болалар ва қарияларни парвариш қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг меҳнат фаолиятини бирга олиб бориши тушунилади. Бандлик деб, фуқароларнинг қоидага кўра, уларга даромад келтирувчи ижтимоий фойдали фаолиятларини ҳам тушуниш қабул қилинган. Демак, жамиятда фойдали меҳнат билан банд аҳоли қанчалик кўп бўлса, унга мос равишда ишсизлар камаяди ҳамда турмуш даражаси ва фаровонлиги ошади.

Иш билан банд деб, одатда, ёлланма ёки шартнома (контракт) бўйича ишловчилар, ўзини қонунийлаштирилган фаолият (тадбиркорликлар,

фермерлар) билан мустақил равишда таъминлай олувчи шахс ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳисобланади. Бандлик даражаси, яъни меҳнат жараёнларига жалб этилиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг бўш иш ўринлари сонига нисбатига, шунингдек, ушбу ўринлар ишчиларнинг чекланган касблари, иш тажрибаси, билим ва кўникмалари каби имкониятларига жавоб беришига боғлиқ. Касбий маҳоратнинг юқори даражаси, билим ва кўникма – бандлик ва хўжалик амалиётидаги ишларга талабгорларга бўлган эҳтиёжнинг гаровидир.

Иш билан бандлик тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан россиялик иқтисодчи олим А.И.Рофе ушбу тушунчага ўз муносабатини билдириб, “Иш билан бандлик - мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаол қисмидаги кишилар учун ишларнинг мавжудлиги, яъни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган, даромадли машғулот билан билан банд бўлишидир” [2] - деб таъриф берган.

Шунингдек, етук иқтисодчи олимлардан И.М. Алиев, Н.А. Горелов, Л.О. Ильиналар ушбу тушунчага: “ Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳамда меҳнатдан даромад (иш ҳақи) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида намоён бўлиши мумкин” [3]- деб таъриф берганлар.

Ҳозирги фан ва амалиётда бандликнинг икки: тўлиқ ва қисман тури фарқланади. Тўлиқ бандлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш ўринлари билан бутунлай таъминланишини билдиради. Қисман бандлик эса мавсумий даврда, тўлиқсиз иш кунда реал иш билан шуғулланиш ёки ишга жойлашиш имкониятидир. Тўлиқсиз бандлик ишсизлик шарт ва манбаи ҳисобланади.

“Бандлик – мураккаб ва бир лаҳзада ҳал қилинмайдиган муаммо. У ёшлар ва катталар, аёллар ва эркеклар, иш берувчи ва ёлланувчилар манфаатларини қамраб олади”[4].

Бандлик нафақат минтақавий, хатто алоҳида бирор-бир мамлакатнинг, афсуски, жаҳон миқёсидаги, ҳозирги даврда Испания, Португалия, Греция ва бошқа давлатлар олдида турган, ҳозирги кунга қадар ечими топилмаган муаммодир. Гап шундаки, ишсизликнинг ўсиши ҳар доим ва ҳар қаерда нафақат ижтимоий, балки сиёсий нобарқарорликни ҳам келтириб чиқаради, мамлакат мавқеини ёмонлаштиради.

Режали хўжалик юритиш тизими меҳнатнинг мажбурийлиги ва жамоавийлиги, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, такрор ишлаб чиқариш жараёни бошқарувини давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва тақсимот принципларига асосланган.

Бозор муносабатлари шароитида аҳоли бандлигини шакллантиришнинг ўзгача тамойиллари амал қилади. Давлат ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат

русурсларидан фойдаланишда жуда катта имкониятлар яратади Бу билан бошқа тамойил – эркин танланган бандлик тамойили юзага келади. Меҳнатга (ишчи кучига) шахсий лаёқатни бошқариш ҳуқуқи фақат унинг эгаси, яъни ишчига тегишли.

Бироқ, ишга эркин ёллаш ва ҳар бир фуқарога ишчи кучини ихтиёрий таклиф этиш, шу жумладан иш жойи ва бандлик шаклини танлашни белгиловчи бозор ҳўжалиги шароитида ҳам давлат меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланиш ҳамда ишчи кучига талабни тартибга солиш жараёнларида иштирок этади. Бошқа, айниқса Европа мамлакатларидаги мураккаб демографик вазиятдан фарқ қилувчи республикамизда бу муаммо алоҳида аҳамиятга эга. Лекин уни ҳал этиш маъмурий усулларнинг қўлланиши ёки бошқача айтганда, мажбурлаш усулларига асосланмаслиги керак. Барча фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ва ишнинг ихтиёрий танланиши Ўзбекистон Республикаси Конституция «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир...»[1] деб, белгилаб қўйилган.

Республика мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ инсон омили ҳамма ижтимоий-иқтисодий ўзгариш ва ислохотларнинг асосини ташкил этади. Давлатимиз раҳбари ўз асарлари ва маърузаларида мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон манфаати, унинг бугуни ва келгуси фаровонлиги учун олиб борилаётганлигига бир неча бор эътибор қаратмоқда. Айтиш жоизки, бу омил жаҳон миқёсида “Ўзбек модели” деб номланган ва тан олинган иқтисодий ривожланишнинг маҳаллий моделини ҳам сингдирилган.

Бундан ташқари, муҳим меъёрий-ҳуқуқий база, хусусан, “Бандлик тўғрисида”ги, “Аҳолининг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун, Меҳнат кодекси ҳамда давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, шу уамладан, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва унинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Масалан, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”[2]ги Қонуни 3 та муҳим масаланинг ҳал этилишига ёрдам берди:

- биринчидан, аҳолини тўлиқ бандлигини таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини яқунлади, яъни меҳнат фаолиятида фуқароларнинг мажбурий иштироки талаблари баргараф этилди;
- иккинчидан, бандлик хизматини ташкил этиш кўзда тутилди ҳамда унинг вазифаларини белгилаб берилди;
- учинчидан, ишсизлик бўйича нафақа пулларини молиялаштириш мақсадида “Бандлик жамғармаси” яратилди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ресурсларини банд этиш ва жойлаштириш жараёнида давлатнинг иштироки шу билан яқунланмайди. Кўриб чиқилаётган соҳада давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирларга қуйидагилар ҳам тааллуқли:

- меҳнат ресурслари сони, шунингдек, табиий ва механик ўсиш натижасида аҳоли сони ўзгариши;

- ишлаб чиқариш соҳасида муқобил мулк натижасида, шунингдек, иқтисодиётдаги тузилмавий силжишлар ва устувор фан-техника вазифаларини ҳал этиш зарурати туфайли ишловчиларнинг эҳтимолий бўшатилишини аниқлаш;

- меҳнат ресурслари мавжудлигида иш ўринлари мувозанатини таъминлаш, шу асосда маҳаллий танқислик ёки ишчи кучининг ортиқчалигини бартараф этиш;

- умумий касбий тайёргарликка ўтиш асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги янада истиқболли йўналишларни фарқлаган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини доимий шакллантириш ва такомиллаштириш;

- меҳнатга лаёқатли аҳоли ишсиз қисмини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган йўналишларда республикада кўпгина ишлар амалга оширилган ҳамда амалга оширилмоқда.

Шунинг учун, эҳтимол, бандликнинг тескари томони ҳисобланган ишсизлик муаммоси Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга нисбатан унча кескин эмас. Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирги кунда баъзи мамлакатларда ишсизлик даражаси 20-25 % ва ундан кўпроқни ташкил этган бўлса, республикамизда Халқаро меҳнатни ташкил этиш (ХМТ) методологияси бўйича ҳисобланган бу кўрсаткич иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолига нисбатан 5,0 % доирасида бўлади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, шу жумладан бандлик даражасини ошириш, аввалгидек, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Жорий йилда ижтимоий соҳани ривожлантиришга Давлат бюджети харажатларининг қарийб 60,0 %ини йўналтириш кўзда тутилмоқда. Мамлакат Парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ, тахминан 1 млн. иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Бунда меҳнат соҳасига 2-3 мутахассисликка эга ҳамда олинган билим ва кўникмаларни иқтисодиётнинг турли соҳалари, шу жумладан кичик бизнес ва тадбиркорлик, замонавий хизмат кўрсатиш, менежмент соҳасида қўллашга тайёр тахминан 500 минг ёшлар-касб-хунар коллежлари битирувчилари қўшилади.

Бу жараёнда маҳаллий, биринчи навбатда, фаолият принципларидан бири “ёшларга кредит” ҳисобланган тижорат банклари иштирокини таъкидлаш ўринлидир. Масалан, ўтган йили “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан шахсий бизнесни яратиш учун касб-хунар коллежлари битирувчиларига 21,4 млрд. сўмлик инвестиция киритилган, бу 2012 йилга нисбатан икки баробар кўп. Мазкур банк “Камолот” ЁИХ ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда “Банк ва коллеж ҳамкорлиги”, “Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи”, “Менинг бизнес ғоям” лойиҳаларини амалга ошираётгани диққатга сазовордир.

Ёшларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда бошқа банк муассасалари ҳам шундай йўлдан бормоқда. Бу нафақат бандлик даражаси ортишига ёрдам беради, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини [4] ҳаётга татбиқ этишга салмоқли ҳисса ҳисобланади. “Ёшлар – жамият таянчи, мамлакат келажаги уларга боғлиқ” бу нафақат шиор, балки ҳозирги ҳаёт ва иқтисодиётнинг воқелигидир.

Ҳозирги кунда болалар тарбияси билан бир қаторда оила бюджетига муносиб ҳисса қўшувчи ёки қўшиши мумкин бўлган уй бекалари кўп. Мамлакатда бундай аёллар қатори янада кенгаймоқда, касаначилик сингари қулай ва самарали меҳнат шакли янада ривожланмоқда. Масалан, ўтган йили кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 дан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига 210 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда мамлакат раҳбарияти томонидан иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш, ижтимоий фаровонликни ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бу ҳолат нафақат эртанги кунга ишончни оширади ва қувонтиради, балки кундан-кунга жаҳон ҳамжамиятида сезиларлича юқори нуфузга эришаётган мамлакатимиз учун ғурур ҳиссини оширади. Бу эса жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимолий таҳдидлари ва иқтисодий беқарорлик шароитида ижобий натижадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 37-модда. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёт –матбаа ижодий уйи. 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). - Т.: Адолат. 1998.
3. Каримов И.А. “2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган

ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” //Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь.

4. Экономика труда: учебник /А.И.Рофе.-2-е.-М.: КНОРУС, 2011. с. 159

5. Экономика труда: учебник /И.М.Алиев,Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012. с. 123.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори.

7. Хайитов А.Б. “Бандлик - иқтисодий кафолат тараққиёти. “O’zbekiston qichloq xo’jaligi” журнали 2011 йил, № 1 январь 29-бет.